



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 5 октябр пайшанба Сотувда эркин нархда № 198 (2495)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

«САНАМ»ГА ОЛТИН ЮЛДУЗ

Қаршидаги «Санам» хиссасдорлик жамияти Германиядаги «Интержинс-2000» кўргазмасида ўз махсулотлари билан иштирок этган эди...

Н. РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКISTON СПОРТИНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАСИ

Күни кеча Австралиянинг Сидней шаҳрида яқунланган Олимпия ўйинлари ўзбекистон спортчилари муваффақиятли ўтди.



Олимпиада ўзбекистон спортчилари марралар сари дадил одимлаётгани яна бир бор намоён бўлди. Мусобақаларда юртимиз спортчилари биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медални қўлга киритди...

Олимпиада майдонларидаги мусобақалар қандай қизгин курашлар остида ўтгани, ҳар бир иштирокчидан жуда катта куч-қувват, ирода ва интилиш, бунун борлигини бағишлашни талаб этгани кўпмиликка аён...

Сидней Олимпиадасида ўзбекистон боксига унутилмас шукрат ато этди. Мухаммадқодир Абдуллаев ўзбек боксчилари орасида биринчи бўлиб «Олимпиада чемпиони» деган юксак номга мушарраф бўлди.

Шундан сўнг, Олимпиада олин медал билан голиблик шохсунасиде мағрур турганида, унинг шарофига давлатимиз мадҳияси янграб, байрогимиз банди кўтарилганида, унинг тимсолида халқимизнинг куч-қудрати, шижоат ва матонати намоён бўлди...

Мухаммадқодир кўксиде олтин медал билан голиблик шохсунасиде мағрур турганида, унинг шарофига давлатимиз мадҳияси янграб, байрогимиз банди кўтарилганида, унинг тимсолида халқимизнинг куч-қудрати, шижоат ва матонати намоён бўлди...

Ўтган ойнинг сўнги кунларида Москва шаҳрида III Евроосийе телефильмлари кўриги бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик киноижодкорлар ўн бешдан ортик бадиий ва ҳужжатли фильмлари билан қатнашди.

Темурмалик ЮСУОВ — «Ўзбекистон» давлат акциядорлик компанияси раиси: Бу нафақат анжуман ҳайъати аъзоларининг, балки кўп сонли томошабинларининг ҳам эътиборидир...

Тинчлик — келажак демократия кино санъатимиздаги муҳим воқеа

Бирга унинг ҳар қандай ҳолатда ҳам, аввало, халқни, унинг тинчлигини ўйлаб иш юритишини кўрсатишга интилади. Ва асл ҳақиқат ҳам шунда: Кўрик ҳайъати аъзоси Евгений Тараненко «Ўз халқини бало-қазолардан, ҳар қандай ҳафдан асрагучи шундай Президент борлигидан мамнунман» деб бежиз айтмади...

Илик гаплар, фикрлар айтиди. Бунда, албатта, менга ҳар қадамда ҳамроҳ, ҳамфикр бўлган режиссер Шухрат Курбонбоев, операторлар ва умуман бутун гуруҳимизнинг хизмати катта. Фильмнинг муваффақиятини ана шу гуруҳнинг бир-бирини тушуниши, бир-бирини тўлдириб, қўллаб-қувватлаши натижаси деб биламан.

ҚАРШИДА ФЬЮЧЕРС ТУРНИРИ

Қаршида Фьючерс халқаро теннис турнирини ўтказиш аниъанага айланиб бормоқда. Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокими Б. Ҳамидов бундан алоҳида таъкидлади...



Мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти

Республика «Ўзқўрғазма» марказида ўтказилган «Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти» деб номланган кўргазма катнашқиларда катта таассурот қолдириди. Унда республикамиздаги еттидан зиёд корхоналар ва қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган экспортбўй турфа махсулотлар намоён бўлди...



«Халқ сўзи» — 229 «Народное слово» — 116

МАЪНАВИЙ БОЙЛИКНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

«ХАЛҚ СЎЗИ»НИ ҶАММА ЎҚИЙДИ»

Жарқўрган туманида бир қишлоқ бор: Ғурӯр. Термиш шаҳрига ўтадиган катта йўлнинг устида. Қишлоққа бурилган жойингизда 37-ўрта таълим мактабига кўзингиз тушади. У мактабларини ҳамқишлоқлар қалбимизнинг зиёбис, маърифатимиз ўчоғи, деб уйғулашди. Газета, китоб излаганларнинг, ўқувчиларнинг маслаҳат-кенгаш олмақчи бўлганларнинг бу даргоҳдан оёғи узилмайди.

Мактаб оддийгина иморатда — мослаштирилган бинода жойлашган. Лекин ҳовлиси, синфхоналар шинам. Кутубхонаси ва ўлкашунослик музейи бўлса синфхоналардан ҳам қура ёруғроқ, гавжумроқ. Кутубхоналарида дарсликлар, сиёсий адабиётлар, газета таҳлиллари, нобъ нашрлар.

Дарвоқе, биз борган кун мактаб директори Худойберди Тилова ўқувчилар кенгашини ўтказибётган экан. Кун тартибидеги гап — обуна. 23 яшар тарих ўқитувчиси Раҳим Тожиев жамиятини демократлаштиришда оммавий ахборот нашрларининг ўрни, бугунги маъна ҳақида гапирди. Бошқаларнинг фикрларига ўз мулоҳазаларини қўшди.

Биз мактаб ўлкашунослик музейи «Эсдалик ёзувлар» дафтарида бир қизқувчан одамнинг «Бу ерда мён Ғурӯр қишлоғининг, Жарқўрғоннинг тарихини кўргандай бўлишим» деб ёзиб қолдирган фикрини ўқидим. Биз мактабда ихтиёс ташаббускор ўқитувчи билан танишдик. Улар Маматмуродов Қулсат, Хайитмуродов Комил. Улар Соғлом аёллик йилини муносиб нишонлаш учун ҳар қайсиси 12 тадан иктидорли ўқувчини ўз уйларига қорлаб, уларга қўшимча дарс бераётган, репетиторлик қилишгаётган экан.

Қулсат довланинг шоғирдларидан бири Фарҳод Алланазаров исми 9-синф ўқувчиси билан суҳбатлашиб қолдим. Фарҳоджон ҳозир олий математиканинг масалаларини шариллатиб ечаётган экан. Синфдошлари катта-кичи — ҳамма ўқийди.

«Халқ сўзи» — 229 «Народное слово» — 116

# РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

**6 октябрдан 30 октябргача Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари ўтказилади. Аёнга айланган ушбу тадбир мамлакатимизда бешинчи мартаба ўтказилмоқда.**

Ислон Каримов тақлиф этилган ва раҳбаримиз кунчиқар мамлакатига ҳақида маъруза қилишининг ўзидек мазкур тадбирнинг нечоғлик аҳамиятли эканидан далолат беради.

Маданият кунларининг очилишида Ўзбекистонга Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳридаги ўрта мактабларни умумий миқдори қарийб 300 минг АҚШ доллари тенг бўлган ускуналар билан жиҳозлашга оид лойиҳани амалга ошириш учун бегараз ёрдам курсатиш тўғрисидаги шартно-

мадар имзоланади. Япония Маданияти кунларининг энг муҳим воқеаси кўғирчоқлар кўрғазмаси бўлиши кутилмоқда, бу кўрғазма 20 кун давом этади.

сўнг миллий ўйинчоқлар ва Япония тасмолари байрами маросими, шунингдек, икебаналар намойиши ҳамда чой маросимлари ўтказилади.

Олти кун давом этадиган Япония кинофильмлари фестивалида томошабинлар эътиборига олинган фильм, жумладан, Ўзбекистонда машҳур бўлган япониялик режиссёр Акиро Куросаванинг фильмлари ҳавола этилади.

Япония Маданият кунлари нихосида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Хосэй университети профессори жаноб Хасимото ва Хитоцубаси университети профессори жаноб Като иштирокида Япония иқтисодиётининг хозирги ҳолати ҳақидаги ва "Япониянинг урушдан кейинги сўёсати" мавзуда семинар бўлиб ўтади.

**Азамат ОТАЖОНОВ, ЎЗА мухбири.**

# ПОЧТА: ЯНГИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ЯНГИ ТАЛАБЛАР

**Республика Олий Мажлиси сессиясида "Почта алоқаси тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош дотта ва телекоммуникациялар агентлиги бош дотта режиссори ўринбосари Махсум Махмудов ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Аввало шуни таъкидлаш керакки, ақинда қабул қилинган "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси йил давомида кўлаб ташкилотларда, шу жумладан халқаро микёсда ўзига хос экспертизадан ўтди. Лойиҳа мەхнат жамовлари, мутахассислар ва алоқачи-фахрийлар орасида муҳокама этилиб, унга кўлаб тақлиф ва мулоҳазалар киритилди. Шу маънода "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун мустақкам асосга эга.

Ўзбекистон почта алоқаси мустақил соҳа сифатида 1992 йилда шакллантирилди. Уша пайтда собиқ иттифок республикалари ичидан биринчи бўлиб бизда, халқаро амалиётини ҳисобга олган ҳолда, почта ва электрон алоқани ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Утган йиллар давомида қарор қабул қилинган эди. Утган йиллар давомида қарор қабул қилинган эди. Утган йиллар давомида қарор қабул қилинган эди.

Шу билан бирга, қонунда почта алоқаси корхоналарига тўғридан-тўғри маблағ ажратиш, солиқ имтиёзлари бериш, ва бошқа турдаги давлат ёрдами курсатиш ҳам эътиборга олинган.

Илк бор почта соҳасидаги ҳўжалик фаолияти давлат бошқаруви ҳизматидан ажратилди ва почта алоқаси корхоналарининг мустақиллигини оширди.

Қонун корхоналар ва почта хизматидан фойдаланувчиларнинг ҳўқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлик даражасини белгилайди. Шунингдек, почта хизматлари формали кийим ва кўрак белгилари билан таъминланиши ҳам кўраб тутилган.

Хўлоса қилиб шуни айтмоқчиманки, мустақил Ўзбекистон 1994 йилдан бўён ўз таркибига 180 мамлакатни бirlаштирган, дунёдаги энг кўна халқаро ташкилотлардан бири — Бутунжаҳон почта иттифоқи аъсосидир. Ўзбекистон ўз фаолиятида мазкур иттифок низоми ва тартибига амал қилади ва айна пайтда ушбу фаолиятга доир масалаларни мустақил ҳал этади.

Шундай қилиб, "Почта алоқаси тўғрисида"ги Қонун ўз вақтида қабул қилинган, шу билан бирга почта алоқаси хизмати соҳасини тартибга солишни муҳим ҳўқуқий-меърий ҳўжатдир. Қонун иқтисодиётимизни мустақкамлашга, хизмат кўрсатиши сифатини оширишга қаратилган бўлиб, одамларнинг қўндалик турмушини янада яхшилашга хизмат қилади.

**В. ПОГЛАВСКИЙ Ёзиб олди.**

# ФИРВОНЛИК ФЕРМЕРЛАР

Наманган туманида уч йил илгари 23 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатган бўлса, бугун уларнинг сони ошган ошиб кетди. Фермерларнинг асосий қисми пахтачилик, галлачилик, бөгдорчилик, узумчилик ва чорвачилик йўналишлари бўйича иш юритмоқда.

гектар майдонда пахтадан мўл ҳўсил етиштириши. Айна пайтда хомашёни йиғиштириб олишга қизғин киришилган. Иш ҳақи ҳар беш кунда далагини ўзида тарқатилган. Бу кундаги мўлим омил бахш этмоқда. Чорвачилик ҳам ривожланиб, аста-секин сердаро-тармоққа айланиб борапти.

## Тадбиркорлик

Мева, сабзавот, картошка ва узум етиштириш борасида ҳам шундай дейган фермер ҳўжалиги дастлаб 30 бош қорамол билан иш бошлаган бўлса, бугун улар сони уч баравар ошди. Тадбиркор олинган соф фойда ҳисобига қорхона қурди. Фермернинг маблағига Ахисенг мавзесида бунёд этилган ил-йигирув фабрикаси туман пиллакорлари етиштирган хомашёни қайта ишлайди. Утган йил жамоада 50,2 тонна сўт, 5 тонна гўшт, 32 тонна табиий ипак тайёрланди.

**Турғунбек МАҲКАМЗОДА, Нуриддин МАҲКАМОВ.**

# Қурилиш муаммоларига бағишланган семинар

Хоразм вилоятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш, қурилиш материаллари саноати, транспорт ва алоқа мажмуининг икки кўнлик семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Мазкур семинар-кенгаш мамлакат қурилиш индустриясида бозор ислохотларини чўқурлаштириш муаммоларини ҳал этиш бўйича тажрибалир алмашинуви-га бағишланди. Унда республиканинг қатор идоралари, шунингдек, йирик акциядорлик жамиятлари, трестлар ва соҳанинг бошқа корхоналари раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассислари иштирок этди.

Умумий мажлис бошланишидан олдин семинар-кенгаш иштирокчилари кейинги пайтда хоразмлик қурувчилар томонидан фойдаланишга топширилган турли хил объектларни бориб кўришди. Амалда оширилган бунёдкорлик ишлари йиғин иштирокчиларида катта таассурот қолдириди.

Семинар кенгашида академик лицейлар ва касб-ҳўна коллежлари қурилиш муаммолари ҳақида алоҳида сўз юритилди. Шунингдек, қурилиш, пудрат асосида олиб борилган ишларга ҳақ тўлашининг долзарб муаммолари молиялаш асосида объектларни қуриш ҳўқуқини берувчи тендер талонининг замонавий талаблари мухокама этилди.

**Т.ШАМАКОВ, ЎЗА мухбири.**

# ХИРМОНЛАР ЮКСАЛМОҚДА



Пойтахт вилоятининг Қўйчиқрик тумани пахтакорлари машаққатли мەхнат эвазига етиштирилган мўл ҳўсинли нобуд қилмай йиғиштириб олишга бел боғлаганлар. Далалардан йиғиштириб олинган ҳўсил эса пешма-пеш пахта қуриш пунктларига етказиб берилаётди. Тумандаги «Мустақиллик» очик турдаги пахта тозалаш қорхонаси қўшиқда қабул қилиш пункт мавсумида 10 минг тонна пахта қабул қилишни режалаштирган. Айна пайтда пахта қабул пункти дарвозасидан кириб келаётган «оқ олтин» қоронлари улкан хирмонларга айланаётди.



**СУРАТЛАРДА:** цех устаси Ботир Бердиқўлов ва директор муовини Пардавий Бектоевлар пахтани тойлаш цехида; лабарантлар Мария Афанасева ва Нигора Мадаминова тўла сифатини назорат қилишаётди.

**Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# БЕШ ҚИТЪА ДАРАКЛАРИ

## ТИНЧЛИК Йўлида ҲАМКОРЛИК

Хитой ҳўкумати Марказий Осиё мамакатларининг халқаро террорчиликка қарши курашини кўлаб-кўватлайди. Бу ҳақда ХХР Ташки ишлар вазирлигининг расмий вакили «КАЗААГ» ахборот агентлиги мухбирига маълум қилган. Хитой минтақа давлатлари билан биргалиқда уч иллат — миллий айирмачилик, халқаро террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашда икки томонлама ва «Шанхай бешлиги» доирасида ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди.

## ГАРОВАДИЛАР ОЗОДЛИҚДА

Филиппин президенти Жозеф Эстрада, ҳўкумат армияси «Абу Сайёф» жангарилари томонидан гаровда олинганларнинг яна ўн икки нафарини озод қилганини билдирди. Мамакат ҳарбийларининг жангариларга қарши ҳўкумари на-тижасида шундай муваффақиятга эришилди, деди президент.

## ЛОЙИҲАГА МАБЛАҒ ЗАРУР

Жаҳон Банки Қирғизистонга ер ва кўчмас мулкни рўйхатга олиш бўйича лойиҳа тақдим қилди. Лойиҳани ҳаётга татиқ этиш учун каттагина маблағ ҳам зарур бўлади. Хозирги банк маъмурияти 9 миллион АҚШ доллари миқдорига имтиёзли кредит ажратишни мўлжаллаб турибди. Бундан ташқари, Швециянинг халқаро тараққиёт агентлиги ҳамда Буюк Бри-

## КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган сўнгги хабарларга қараганда, Фаластин билан Исроил ўртасида ўт очини тўхтатиш тўғрисида келишувга эришилган. Унга кўра, Исроил ҳарбийлари Фаластин миллий маъмурияти назоратидаги ҳудудларни тарк этади. Ўз навбатида, фаластинликлар яҳудийларга қарши

Жорий йилнинг қиш ва баҳор ойларида ёғингарчилик метёридан кам бўлганлиги мамлакатимиз чорвачилигига ўз таъсирини кўрсатди. Йилловларда ўтланлар яхши ўсмади. Баҳорнинг дастлабки ойларида ўсган майсалар қовжираб қолди. Бу эса йилловлардан озикланганидан қоракўл қўйларини амалда емишдан маҳрум қилди. Озуқа танқислиги эндиликда айниқса сезилмоқда.

— Бу йилгидай қуруқ келган йилни кўрмадим, — дейди Сурхондарё вилоятининг Қўмқўрган туманидаги «Сайхон» ширкат ҳўжалигида 40 йилдан бери чўпонлик таёғини қўлдани қўймай келаётган Йўлдош Ғўчиёв. — Тўғри, илгари ҳам қуруқчилик бўлган. Лекин буни ошиб тушди. Йилловлар тап-тақир, номига бўлса ҳам бирон гиеҳ йўқ. Вилоятдаги қоракўлчиликка иқтисослашган бошқа бешта ҳўжаликда ҳам ахвол шунга яқин. Ҳа, чўпон-чўликларга осон тути бўлмайди. Қашқадарё вилоятининг Фузор туманидаги «Фузор» ва «Пачкамар» ҳўжаликлари йилловларда ҳам ўт-ўлан йўқ. Баъзи жойларда қовжираб қолган шўвоқларнинггина кўриш мумкин. Бухоро ва Навоий вилоятлари йилловлардаги манзара бошқа ерларга нисбатан бирмунча яхши: шўвоқ, саксовул ва бошқа чўл ўтлари мав-

# Қишлоқ талаби қатъий

кин қайта ишлаш қорхоналаридан ем олиш осон бўлмапти. Гоҳида ўз мабла-

ўтлар кам. Республикамизда бу иш билан шўгулланди-дан ташкилот керак чамаси. У яёловларнинг ахволи, уларнинг ҳўсалдорлигини ошириш, қудуқларни насос билан таъминлаш ва ҳоказо

талаб қилади. Қуруқчилик тўғрисида бу йил қўнган ҳўжаликларда етарли даражада ем-хашак тўлаш имкони бўлмади. Тажрибали чўпонлар эса маъмуриятнинг сезган ҳолда иш юритмоқдалар. Улар қиш гамини ёздаёқ еб қўйишган. Сабаби бу йилнинг мутахассислари, раҳбарлари вазиятни тўғри баҳолаб, чорва қишлови учун жиддий эътибор қилсалар, айна мўддао бўларди. Сабоби қиш қишлоғини қилади. У ҳеч кимни аяб ўтирмайди.

Яна бир гап. Утган йили «Ўзбек қоракўли» компанияси четта 35 минг дон қоракўл тери сотиб, давлатимиз хазинасига бир неча юз минг АҚШ доллари олиб келди. Улар бу йил хорижга ўтган йилга нисбатан кўпроқ қоракўл тери экспорт қилиш тараддудини кўрмоқда.

Халқимизда «Деҳқончиликни 2-3 йилда, чорвачиликни қирқ йилда ўнлаш мумкин» деган қиёматли гап бор. Бу бекорга айтилмади. Шун эшик қўқиб турибди. Шундай экан, қоракўлчиликни ривожлантириш, халқимиз дастурхонини янада маъмурият қишлоқдан беталофат олиб чиқиш учун эртанги кунни қўлаб, режа билан ишлашимиз лозим.

**Ҳўсал КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Чўпон имкон излайди

**Кимлардир унга кўмақдош, кимлардир... бефарқ**

гимизга ҳам тополмаяпмиз. Мутасадди ташкилотлар шу масалада амалий ёрдам кўрсатишса, айна мўддао бўларди.

«Бухородонмаҳсулотлари» уюшмасини ҳисобга олмганда бошқа бирорта вило-

ятдаги қорхона ўзининг юқори ташкилоти ҳисобланган корпорация топширигини бажармасдан келяпти. «Ёғмойтмаксаноат» уюшмаси раҳбарлари эса хозиргача компания мурожаатига муносабат билдиришгани йўқ.

Қоракўлчилик соҳасидаги мавжуд ахволни ҳисобга олиб, ҳўжаликларга қарз ҳисобига ем бериш йўлга қўйилса бўлмайдими? Бизнинг қўла, бўлади. Тўғри, маҳсулотни қарага бериш бозор иқтисодиётининг амалдаги талабларига тўғри келмайди. Лекин ўзга илож йўқ. Йил якунида қоракўл тери, жун, гўшт сотишдан ҳўжаликларнинг ҳисоб рақамига маблағ тушади. Шунда тўла ҳисоб-китоб қилиш имкониёти тугилади.

Кейинги йилларда йилловлар ҳўсалдорлигининг пасайиб бораётганлиги ҳам жиддий муаммолардан биридир. Табиий ҳолда ўсадиған



**Бугунги Вараиша.**

норозилик қишқарлига чек қўяди. Кеча эса Парижда АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт иштирокида Эҳуд Барак ва Ёсир Арафотнинг учрашуви бошланди. Бу мулоқотда қарама-қаршиликни тўхтатиш, тинчлик музокараларига киришиш масалалари муҳокама қилинмоқда.

## РЕКОРД НАТИЖА

Шу кўнларда АҚШда Президентлик сайловолиди тадбирлари қизгин тус олмақда. Аммо ушбу тадбирларга сарфланаётган маблағ ҳам шунга яраша бўлаяпти. Маълумотларга қараганда, сайловолиди харажатлар рекорд даражага чиқмоқда. Хозиргача қилинган харажат икки миллиард доллардан ошиб кетди. Бу 1996 йилги президент сайловининг умумий харажатиға тенгдир.

## САЙЛОВГА ПОЧТА ОРҚАЛИ

Литвада 8 октябр кўни мамлакат парламенти — Сеймга ўтказиладиган сайловда бевосита иштирок этиш имкониёти бўлмаган фуқаролар почта орқали овоз бериши мумкин. Улар бугун ва эртага қайси номзодни маъқуллашгани почта орқали маълум қилиши керак. Бундай имкониёт фақат харбий хизматчилар, денгизчилар, маҳбуслар, оғир ётган беморлар ва сайловолиди сафарига бўлган шахсларга берилади.

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

Яхши хордиқ, — самарали меҳнат гарови, дея бежиз ай- тишмайди. Шу маънода Му- борак газ конлари бошкар- масининг «Кончи» ошхонаси жамоанинг севимли маскани- га айланиб бормоқда. Бу ерда ишчи-хизматчиларнинг турли тўю-маросимлар ўтқа- зишлари учун ҳам барча шарт-шароитлар мавжуд.



СУРАТЛАРДА: ошхона- нинг умумий кўриниши; «Кончи»нинг хушмуомала хизматчиси Анастасия Тян.

Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Бешафқат ўлим мил- лий маданиятимиз ва санъатимизнинг йирик намоёндаларидан бири, тасвирий санъат ривожига улкан ҳисса қўшган истеъдодли мўйқалам сохи- би, Ўзбекистон халқ расо- ми Лутфулла Абдуллаевни орамиздан олиб кетди.

Лутфулла Абдуллаев 1912 йилда Тошкент вилоятида туғилди. Самар- қанд расомлик билим юртида ўз даврининг та- никли устозлари қўлида таҳсил олди. «Еш шоир хузурда», «Хофиз Мул- ла Тўйчи Тوشмухамедов» каби асарлари унга илк мусавирлик шухратини келтирди. У яратган портретларида инсоннинг ички кечинмалари, ҳис-

Лутфулла АБДУЛЛАЕВ



қилимиз. Яратгандан уни ўз раҳматига олишини тилаймиз. Халқимизнинг суюкли фарзанди, атоқ- ли расом Лутфулла Аб- дуллаевнинг хотираси қалбимизда бир умрга қолади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги. Ўзбекистон Бадий академияси.

туйғуларини ўзига хос услуб, ранг ва бўёқларда курсата олган ноёб санъаткорлардан бири эди. Рассомнинг Абдулла Қодирий, Ойбек, Фахур Фулмон каби таниқли адиблар асарларига ишлаган тасвирий образларида халқимизнинг кенг фэялиги, олижаноб фазилатлари, оруз-истаклари ҳаққоний акс эттирилган. Унинг оддий меҳнаткашлар ҳаётига доир туркум асарлари мамлакатимиз ва хоржидаги нуфузли музей, шахсий галереялардан ўрин олган. Устоз санъаткор Республика расомлик билим

юртида узоқ йиллар ишлаб, рангтавсир соҳасида кўпгаб ёшларга мураббийлик қилди, уларга тасвирий санъат сирларини кунт билан ўргатди. Кўп йиллар давомида «Мўштум» журналида ҳажвичи расом сифатида барака- ли ижод қилди. Ижодкорнинг самарали меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унга «Ўзбекистон халқ расомси» унвони берилди. Биринчилардан бўлиб мустақил давлатимизнинг «Эл-юрт ҳурмати» орденига сазовор бўлди. Марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Қорақўл туманидаги «Қорақўл» ширкати ҳўжалигида «Қорақўл» бунёд этилмоқда. Уч гектар майдондан иборат боққа турли хил мева- ва ямғир кўчатлар ўтказилди. Унинг ўртасига Мотамсарона ҳайкали ўрнатилди.

Қора мармардан бежирим қилиб ишланган лавҳаларда ҳўжаликдан иккинчи жаҳон урушида шахид бўлган жангчиларнинг исм-шарифи ўйиб ёзилган. Барча ишлар ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда.

Хамқишлоқлар савобдан четда қолмаслик учун баҳол қудрат ёрдам кўрсатиш- шапти. Ҳозиргача уч миллион сўмлик иш бажарилди. Айни пайтда боғ атрофини ўраш ва пардозлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Хотира боғини мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кун — 8-декабрда очиб мўлжалланган.

Кўшхабар

12 ТА БЎРИНИ ОТТАН ОВЧИ

Самандар Шариповнинг асли қасби темирчилик. У Жондор туманидаги Маҳмуд Таробий номли ҳўжаликда истиқомат қилади. Айни пайтда овчилик билан ҳам шўғулланади. Жондор, Олот, Пешку туманларининг чўпон-чўлиқларига яхши кўмақдош — бўри овлайди. Утган йилни кўшиб ҳисоблаганда Самандар 12 та бўрини ер тишлади.

Чўпонлар мерган овчининг меҳнатини қадрлашмоқда. Пешку туманидаги «Жонгелди» ҳўжалиги унга битта той ва битта бўталоқ, Жондор туманидаги Амир Темур номли ҳўжалик унга кўзи, Қорақўл туманидаги «Қорақўл» ҳўжалиги эса бир бош қорамол соғва қилди.

Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

Навоий шаҳрида 450 ўринли тиббиёт коллежининг икки қаватли янги биноси фойдаланишга топширилди. Унга яқин умумий фанларни ўқитиш учун мослаб ҳижозланган хоналар билан бирга ҳамширалик иши, анатомия, халқ табобати, жарроҳлик клиник лабораториялари талабалар ихтиёрига берилди. Маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, музей, 90 ўринли ошхона ҳам бўлғуси ҳамширалар хизматига.

Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, компьютерлар амалий машғуллар учун катта қўлайликлар яратди. Қурилишга 300 миллион сўм маблағ сарфланди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



«ЎЗМАШТАЪМИНОТ» А.Ж. ҳудудда доимий ишлайдиган савдо ярмаркаси фаолият кўрсатмоқда.

Ярмаркада куйидаги машинасозлик маҳсулотлари сотилади:

- суб тортгич ускуналари, технологик ускуналар, юк кўтариш-транспорт ускуналари, ёнғинга қарши ишлатиладиган ускуналар, газ билан пайвандлаш ускуналари, қувур ўтказиш арматуралари ва зулфинлар, вентиляция ускуналари, подшибниклар, халқ истеъмол моллари, ва бошқа ускуналар.

Сотув ярмаркасида иштирок этишни хоҳловчиларга беғизул жой ажратилади. Сотиб олиш ва сотиш бўйича шартномаларни расмийлаштириш учун барча қулай шароитлар яратилган.

«Ўзмасхтаъминот» А.Ж. боғжона овборлари мол сақлаш бўйича хизмат кўрсатади.

Очқа ва ёшқ турдаги овборлар ижарага берилади.

Темир йўл шохобчаси мавжуд.

Прокатта автокран ажратилади.

ЯРМАРКАМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Усмон Носир 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 53-62-54, 53-69-17, Факс: 53-85-31.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тўсови меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2000 йил 25 сентябрдан 30 сентябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилмади:

- 1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида чегара зонаси белгиланган туманлар, шаҳарлар, шаҳар тилкисидаги қишлоқлар, қишлоқлар, овулларнинг вақтинчалик рўйхатини эълон қилиш тўғрисида бўлган, УЗР ИИБ ва Давлат гегадарияни хисса қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган. 2000 йил 25 сентябрда 972-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 5 октябрдан кўчга киради). 2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида инфосанитариювчи моддаларни табиий муҳитга чиқарганик учун (ташгаганлик) ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибига 1-сонли ўзгаришлари ва қўшимчалар. УЗР Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Табиий муҳофаз қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган. 2000 йил 26 сентябрда 883-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 6 октябрдан кўчга киради). 3. Ер солигини ҳисоблаш чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 4-сонли ўзгаришлари ва қўшимчалар. УЗР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган. 2000 йил 27 сентябрда 404-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 7 октябрдан кўчга киради). 4. Суя ресурсларидан фойдаланишни учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 3-сонли қўшимча. УЗР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган. 2000 йил 28 сентябрда 384-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 8 октябрдан кўчга киради). 5. Ҳаётни сугурта қилдириш билан боғлиқ бўлмаган сугурта турлари бўйича сугурта заҳираларини шакллантириш тартиби тўғрисида вақтинчалик низоом. УЗР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Давлат солиқ қўмитаси, Макроиктисодий ва статистика вазирлиги билан келишилган. 2000 йил 28 сентябрда 973-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 8 октябрдан кўчга киради). 6. Дори воситалари ва тиббиётда фойдаланиладиган буюмларни сотишда савдо устамаларини қўллаш тартиби. УЗР Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси билан келишилган. 2000 йил 29 сентябрда 974-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 9 октябрдан кўчга киради). 7. Хоржий инвестициялар иштирокчидаги корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг шакллантириш тўғрисида низоом. УЗР Молия вазирлиги, Марказий банк, Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган. 2000 йил 29 сентябрда 975-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 9 октябрдан кўчга киради).

II. Давлат рўйхатидан чиқарилмади:

- 1. Дори воситалари ва тиббиётда фойдаланиладиган буюмларни сотишда савдо устамаларини қўллаш тартиби. УЗР Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган. 2000 йил 9 октябрда чиқарилмади (1999 йил 19 февралда 642-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган). Маъжур меъёрий ҳужжат янги меъёрий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотди. 3. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди: 1. Умумий фойдаланиш тармоғи бўйича телефон алоқаси хизматлари кўрсатиш қондирилди. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган. 2. Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳодимлари ва болаларни соғломлаштириш учун йўлланмадан иккинчи тўловни сугурта бадалларини ҳисоблаш ва тўлаш, сарфлаш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгаришлар. УЗР Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тақдим этилган. 3. Давлат ақциялар пакетни (пайларни) ишончли бошқарува бериш бўйича ташкиллар ўтказиш қондирилди. УЗР Давлат мулк қўмитаси томонидан тақдим этилган. 4. Ер остидан фойдаланиш учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 3-сонли қўшимча. УЗР Молия

III. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

- 1. Банкrott корхоналарни тугатиш ишларини ўтказиш тўғрисида низоом. УЗР Макроиктисод ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган. 2. Ўзбекистон Республикаси дарё флоты портлари ва пристаняларида кемаларга ишлов бериш тартиби тўғрисида низоом. Ўзбекистон Авто-мобил ва дарё транспорт агентлиги томонидан тақдим этилган. 3. Бухгалтерлик ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларда хоржий валюталарда операцияларни акс эттириш тартибига 1-сонли ўзгаришлари ва қўшимчалар. УЗР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган. 4. Озоқдидан маҳруми этиш бўйича ҳазорини бажарувчи муассасаларнинг ички тартиб қондирилди. УЗР ИИБ томонидан тақдим этилган. 5. Улуққиз талим тизимида олий малякали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тўғрисида низоом. УЗР ФТДК томонидан тақдим этилган. 6. Олий ўқу юртидан кейинги талим берувчи аспирантура (адъюнктура) ва докторантураларни аттестация ва давлат аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низоом. УЗР ФТДК томонидан тақдим этилган. 7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва Олий ва ўрта махсус талим вазирлиги ёш олимлари ва мутахассисларини илмий иш бажариш ва стажировка ўтиш учун хоржий илмий марказлар ва олий ўқу юртиларига илмий сафарга юбориш тартиби тўғрисида низоом. УЗР ФТДК томонидан тақдим этилган. 8. Ўзбекистон Республикасида қилқор ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник сўзашлар, симпозиумлар, конгресслар, конференциялар, семинарлар режасини тайёрлаш тўғрисида йўриқнома. УЗР ФТДК томонидан тақдим этилган. 9. Ўзбекистон Республикаси юридик шаҳарлари томонидан хоржиди корхоналар тузиш ёки уларнинг устас фондлари (капиталлари)да улуққиз иштироки тўғрисида маълум қилиш тартиби тўғрисида низоом. УЗР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тақдим этилган. 10. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фойдаланиш субъектларининг савдо реестрини қўриқш тартиби тўғрисида низоом. УЗР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тақдим этилган. 11. Техник-иқтисодий асослар, қурилиш лойиҳалари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгаришлари ва қўшимчалар. УЗР Давлат архитектура тўғрисида низоом тақдим этилган. 12. Инвестиция лойиҳаси учун дастлабки руҳсатнома ҳужжатларининг тартиби, ишлаб чиқиш тартиби, қилиниши ва тасдиқлаш тўғрисида низоом. УЗР Давлат архитектура тўғрисида низоом. 13. Ўзбекистон Республикаси почта тўловларининг давлат белгилари ва махсус почта штемпеллари тўғрисида низоом. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган. 14. Аудиторнинг маляка сертификатини бериш тартиби тўғрисида низоом. УЗР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган. 15. Ўзбекистон Республикасида банклар аудити тўғрисида низоом. УЗР Марказий банк томонидан тақдим этилган. 16. Акциядорлик жамаиятининг акционерлари реестри тўғрисидаги низоомга 1-сонли ўзгаришлари ва қўшимчалар. УЗР Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қўмитани қозғолар бозори фойдаланиш мўҳофизлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган. Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди. Саволлар ва тақлифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида рўйхатдан ўтган «Ситтамея-Стомат» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ. ОКПО коди 15154324 Барча эътироз ва дэвало- лар бир ой мобайнида куйи- даги маълумат қабул қили- нилди: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Уро- боғ кўчаси, 17-а» уй.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарини ва шахсий таркиби ИИБ Коррупция, ра- кет ва терроризмга қарши ку- раш Бош бошқармаси бош- ливининг ўринбосари, милиция полковниги Ботир Турсунова- лардан муҳтарамаси

Аҳоли КАРИМОВАнинг вафот этилиши муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Бадий акаде- мияси К. Беход номидидаги Расо- млик ва дизайн мўйқали инсти- тутаи жамоаси Ўзбекистон халқ расоми

Лутфулла АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила-аъзоларига чуқур таъзия изҳор этилди.

Республика ҳўжалик ҳисо- бидати Олий ўқу юртидаги тайёрлов маркази жамоаси фи- дойи ва семини қўқутуни, ёшларнинг жонқур мураббийси

Ашурой опа МАМАРАСУЛОВАнинг вафот этилиши муносабати билан марҳумнинг оила аъзо- ларига чуқур таъзия билдири- лди.

Абу Райҳон Беруний номи- даги Тошкент Давлат техника уни- верситети раҳбарияти, иқтисод-муҳофизлик факультети жамоаси «Иқтисодията ахборот тизимлари» кафедре- си мудир Абдушўқур Бокри- ева синглиси

Инобат БОКРИЕВАнинг вафот этилиши муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти раҳбария- ти, клиника, жамоат ташки- лотлари ва институтининг Фа- лсафа ва Ўзбекистон тарих ка- федраси жамоаси шу кафедрда доценти, тиббиёт фанлари но- моти Қадиром Тўрқунова она- си

Алолат ва КАРИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этилди.

Study Abroad

For one year with the Undergraduate Exchange Program

Open Society Institute Assistance Foundation-Uzbekistan and The Open Society Institute are now accepting applications for the Undergraduate Exchange Program 2001.

The Undergraduate Exchange is a one-year, non-degree program for second-year students enrolled in university in Eastern and Central Europe, parts of the former Soviet Union and Mongolia. The program is designed to encourage cross-national dialogues among student communities; introduce students from the region to colleagues from other parts of the world; and provide comprehensive student services including orientation, workshops, and alumni/ae activities. Participants attend a university or college in the United States for one year. At the end of the year, they are expected to return home to complete their degrees.

In order to qualify, you must be from:

- Azerbaijan, Bulgaria, Belarus, Croatia, Georgia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Latvia, Lithuania, Macedonia, Moldova, Mongolia, Romania, Slovakia, Tajikistan, Ukraine, Uzbekistan

Russia (Nizhny Novgorod, Novosibirsk, and Vladivostok only)

You must be a current second-year student studying at the undergraduate level:

- American Studies, Art History, Classical Studies, Comparative Literature, Cultural Anthropology, Economic Theory, Fine or Performing Arts, History, International Relations, Journalism, Political Science, Sociology

- All applicants must be in their second year at an accredited university in their home country when applying and must have at least one year of study remaining at their home university when they return. Have an outstanding academic record. Have spent previous two years in residence in home country. Have not attended high school in the United States for more than one academic semester. Fluent in reading, writing, and speaking English.

To receive an application please contact: Open Society Institute Assistance Foundation-Uzbekistan Zarbog 31street, (Formerly Roza Luxemburg) Tashkent 700031, Uzbekistan Contact person: Kamoliddin Diyarov E-mail: Kamol@osi.uz Tel/Fax: (371) 1206854, 1522741 Application Deadline: November 30, 2000

OXFORD COLLEGES HOSPITALITY SCHEME CAMBRIDGE COLLEGES HOSPITALITY SCHEME FOR CENTRAL AND EAST EUROPEAN SCHOLARS

April 2001 - March 2002

Oxford and Cambridge universities, in conjunction with the Open Society Institute and the British Council invite applications from scholars from selected countries in Central and Eastern Europe and the former Soviet Union, including Uzbekistan, who wish to work in the universities' libraries or to contact academic specialists in their subjects. At Cambridge, the programme offers one-month visits in one of the Cambridge colleges during the summer months (July-September). At Oxford, the programme offers one-month visits in one of the Oxford Colleges, mostly during the summer months. Scholars will normally be post-doctoral or of equivalent status and will be university teachers or members of research institutes.

Although the precise conditions of the scholarships vary between the two universities, all scholars receive free single accommodation and meals, plus small allowances for photocopying, books, and personal expenses. In some cases the cost of travel may also be met.

Applicants must have a good knowledge of spoken English. Priority will be given to those completing work for an advanced degree or working on a specific project such as a book or a new course of lectures, and to those who have not previously had a chance to study outside of Central and Eastern Europe or countries of the former Soviet Union. Those who will have spent two months or more studying outside of this area during the period 1 April 1999 - 31 March 2001 are not eligible.

Details and an application form can be obtained from:

Submit to Kamoliddin Diyarov OPEN SOCIETY INSTITUTE ASSISTANCE FOUNDATION (Soros Foundation) Zarbog 31 (formerly Roza Luxemburg) Tashkent 700031 Uzbekistan Tel: (3712) 1206854, 1522741. E-mail: kamol@osi.uz

Completed application forms should be returned to the above office by 20 October 2000.

Улуғ аллома Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида тупроғимизда ўсадиган ўнлаб шифобахш ўсимликлар ва уларнинг инсон саломатлигини тиклашдаги аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Жумладан, кунжут ёғи овқат ҳазм бўлишни яхшилаш билан бирга ундаги тошларни эришти, ошқозон-ичак касалликларини даволашда беназир эканлиги алоҳида таъкидланади.

Ушбу маълумот Ўзбекистон Фанлар академиясининг Электроника институти «Кичик технология» гуруҳи аъзолари — физика-математика фанлари номзодлари Султон Азизов, Хотам Ашуров ва Жовли Абдурахмоновни қизқитириб қолди. Тўғри-да, ошқозон-ичак аъзолари ҳасталигидан ёки буйрак касалига мубтало одамлар ораимизда қанча. Аммо кунжут ёғи бошқа ўсимлик мойлари сингари дукон пештахталарида қалашиб ётгани йўқ. Бундан ташқари, ихтисослашган тармок кор-

**Фан — ишлаб чиқаришга**

хоналарида ҳали кунжут ёғи ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмаган. Олимлар ишга жид-

**«КИЧИК ТЕХНОЛОГИЯ» ЯРАТГАН ЯНГИЛИК**

дий киришдилар. Кунжут уруғини ўрганиш жараёнида хусусияти жиҳатдан унга яқин бўлган ер ёнғоқ таркибини ҳам батафсил текшириб чиқишди. Маълум бўлишича, бу икки ўсимликдан олинган жуда яқин биригига жуда яқин зарур шифобахш витаминлар ва бошқа табиий элементлар хусусияти сувадди ёки бутунлай йўқолади. Азизов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган технология қўлланилганда эса

ўсимлик уруғлари совуқ ҳолда зичланади. Олинган ёғ табиий хусусиятларини тўлиқ сақлаб қолади. Яна бир муҳим томони, кичик заводда фармацевтика ҳамда косметика саноати учун ҳам махсус ёғлар ишлаб чиқариш мумкин.

Хозирча мамлакатда ягона ҳисобланган завод технологияси стандарт синовидан муваффақиятли ўтиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Айна кунларда институт қроидаги бу заводда ер ёнғоқ ва кунжутдан юқори навли шифобахш маҳсулот ишлаб чиқарилапти. Таркибида 50 фоизгача сифатли ёғ мавжуд бўлган кунжут, 55 фоизгача сифатли озуқача эга ер ёнғоқ тақририй экин сифатида экилганда ҳам мўл ҳосил олиш мумкинлиги назарда тутилса, «Кичик технология» гуруҳи яратган янгилик яқин йилларда республикамизда кенг жорий этилиши шакл-шубҳасиз.

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД.**

**«СЕГОҲ»НИ СЕЛ АЙЛАГАН...**

*Хотира*

Сеҳрли муеиқа оҳиста жаранглаб, буюқ Навоийнинг ўлмас сўзлари селдек қуюла бошлади: **Холу хаттинг ҳайлидин эй, сарви гулузор...**



**Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркменистон, Татаристон Республикалари халқ артисти, Ҳамза ва Бердақ номидаги давлат мукофотидаги соҳиб Отажон ХУДОЙШУКУРОВ ҳозир 56 ёшга тўлган бўлур эди**

Ибройим ЮСУПОВ, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири: - Марказий Осиёда унинг булбулдай овози ҳаммага таниш ва қадрдон эди. Шундай бўлиб қолди!

**Жўрабек МУРОДОВ, Тожикистон халқ артисти:** - Отажон чиқа оладиган авж пардага ҳар ким ҳам чиқолмайди. Бунчалик кудратли овоз билан ҳар ким ҳам қуйлай олмайд!

**Неъматулла ХУДОЙБЕРГАНОВ, Элиқалъа тумани хокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати:** - Улкан ҳофиз билан бир маҳаллада ўсганми. Айна кунда унинг хоки туманимиздаги муқаддас зиннатгоҳда ётибди. Унинг хотирасини абадийлаштириш юзасидан баҳоли кудрат иш қилганимиз. Отажон Худойшукуров халқаро жамғармасини тузди. Укуви ҳамда талабалар учун унинг номида стипендия тасвир этиди. Ёш ижрочиларнинг Отажон Худойшукуров номидаги биринчи танловини ўтказган эдик. Иккинчи танловга тайёргарлик бошланиб кетди. У қолдирган бой музикаий мерос бутун халқимизнинг маънавий бойлиги ҳисобланади!

Ҳа, бугун Отажон Худойшукуров таваллуд топан кун. Ҳар кунгидек бу тонг ҳам санъатсевар хонадонларда хофизнинг кудратли овози селдек оқади: Турналарга айтиб кўнғил розини, Фалаклардан сизга ҳабер юбордим... **Янгибой ҚўҶҚОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**



Муаллимларни кўпинча боғбонларга қиёс қиламиз. Бойси навнихолнинг қандай ўсиши боғбон парваришига боғлиқ бўлганидек, фарзандлар камоли ҳам устоз тарбияси билан чамбарчас боғлиқ.

**Боғдоқлик Қажоржон Қодиров ўз умрини бола-лар тарбиясига бағишлаган маорифчилардан бири. Асли мутахассислиги физика-математика ўқитувчиси бўлган Қажоржон ака ўзи раҳбарлик қилаётган 88-маҳсус мактаб-интернати педагогик жамоаси ўртасида янгиликларга ўч, ўз ишининг уста билимдонини сифатида обрў-эътибор қозонган.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

**ҲИҚМАТ**  
**Озга қаноат қилмаган кўпга етмайди.**

**ОҚСОҚОЛНИНГ ХОТИНИНИ**

Янгиер шахрининг 32 ёшли фуқароси Виталий Раҳмонкулов ўзининг шеърлари билан кўп дафтарларни тўлдириб ташлаган. Бироқ ундан шoir чикмади. Тугилиб ўсган шахрида уни 10 йил қамокда ўтириб чиққан банги ва қотил деб билишди. Обрў-эътиборли одамлар бундай шубҳали шахс билан яқин таниш бўлишни хоҳламастлиги тушунарлидир. Фақат шайтон васасасига ўчраб, нафс балоси ўз домига тортган пайтадигани туппа-тузук одамлар ҳам тўри йўлдан чағиши мумкин.

27 сентябрдан 28 сентябрга ўтар кечаси Виталий Раҳмонкулов телефон кабелини ўғирлаётган пайтада кўлга олинди. Уни кўлга олишда жиноят кидирув бўлимининг катта тезкор вакили майор Илҳом Мадалиев бошчилигидаги тезкор гуруҳдан ташқари шаҳар алоқа тармоғи бошлиғи Абдурахмон Абдухамидов ҳам иштирок этди.

Телефон кабели ўғирлаётган тинчлик йўқ, — дейди А.Абдухамидов. — Хозирги кунда ҳам телефон симлари ва кабелларнинг ўғирланиши сабабли 200 дан ортиқ абонент алоқа хизматидадан фойдалана олмапти. Кабел узилган участкаларни таъмирлашга юз минглаб сўм сарфланмоқда. Ўғирликни асосан наشاءндлар содир этмоқда. Қамок жазоларидан улар қўрқмайди, аксинча, наркотик моддасиз қолишдан қўрқашди. Бунинг учун пулни қаердан олиши керак?

Телефон кабелида мис бор, — дейди кўлга олинган В.Раҳмонкулов. — Бу эса нақд пул. Миснинг ҳар бир килограммини 650-700 сўмдан сотаман. Бу пуллар менга жуда керак. Тушунсан-

**ШАЙТОН ЙЎЛДАН УРДИ**

гиз-чи, мен героинсиз тура олмаيمان! Нашаванд ота озиқ-овқат харид қилиш учун пулга зор бўлиб ўтирган ҳомилдор хотини ва уч ёшли қизини ҳамта осламди ҳам.

Биз Виталийга: — Ўғирланган металл сиз қимга сотасиз? — деган савол билан мурожаат қилдик.

— Янгиерда бу қийин эмас, — деб жавоб берди у. — Мен олиб-сотарлар яшайдиган охирида хонадонни биламан. Кўча номларини билмайман, бироқ, жазо белгилашда ҳисобга олинмаган бўлса, уларнинг уйлари кўрсатишга розиман. Яна бир илтимос — микротуманда хотиннинг паспорти гаровда турибди. Ҳужжатини қайтариб олиш учун мен унга икки килограмм мис топширишим керак. У менга мана шу шарт билан минг сўм берган эди. Уларнинг оиласини микротуманда ҳамма билади, унинг эри маҳалла оқоқоли.

Оқсоқолнинг хотини Мунаввархон Расулбердиева паспорти дарҳол олиб чиқди ва ундан беш килограммдан ортиқ мисни сотиб олди. «Маърифат» маҳалласи оқсоқоли А.Расулбердиев эса наشاءнд ва хотини ўртасида бўлаётган олди-соттнини чой ичиб ўтирган ҳолда деразадан кузатиб турарди.

Ҳоқият вакили бўлган оқсоқол Янгиерда телефон кабелларнинг ўғирланиши билан боғлиқ муаммолар, фуқароларнинг шу ҳақдаги доимий шикоятла-

ри, ҳоқимият ва алоқачилар ўртасидаги мунозаралардан хабардор эди. Ўзининг ҳам «кабел» ўғирларининг бебошлигини қиналган вақтлари бўлган — хизмат телефони узоқ вақт ишламаган. Оқсоқол уша пайлардаёқ зараркунадалар билан танишиб олган бўлса, ажаб эмас.

— Бу ишнинг оқибати ёмон бўлишини билардим, — дейди кўйиб-пишиб 60 ёшли А.Расулбердиев. — Хотинимни прокуратурага чақиртиришган эди. У рангли металл сотиб олишни тўхтатиши ҳақида тилхат берган эди. Уни шайтон йўлдан урди. Мен хотинимнинг бундай ишларига доим қарши эдим ва унга бу ҳақда гапирган эдим...

— Рангли металл олиб-сотарларига қарши энг қаттиқ жазо чораларини қўллаш керак, — дейди Янгиер шаҳар прокурори Мухторжон Бобоевров. — Уларнинг фаолияти конунга мутлақ зиддир. Аслини олганда, улар ўғирлик иштирокчилари ҳисобланади. Зеро, ҳар бир олиб-сотар сотиб олинаётган мис ёки алюминийнинг катта қисми қимматбаҳо телефон линиялари, электротрансформаторлардан қирқиб олинганини, улар давлат касб-корлари жиноий иш эмас ва ҳаммаси жарима билан тинчиб кетади, деган фикр билан ўзларини юпатади. Ҳадемай, улар ўз қилмишларини аянчли оқибатга олиб келганига амин бўлишда, деб ўйлайман.

**Т. АҲМАДАЛИЕВ, ЎЗА муҳбири.**

**РИВОЯТ**  
**БОЙЛИК ҚАДРИ**

Айтишларича, бир бадавлат кишининг якяко ягона ўғли бўлиб, у ниҳоятда исрофчи ва беҳуда сарфловчи эди.

Ота ўз ўғлининг ноқобил эканини билгани учун олдиндан чора кўриб, ўлими олдиндан унга насихат қилиб деди:

— Эй ўғлим, мен ўлганимдан кейин бойликларимнинг бири сенга қолади. Ишончим комилки, сен уларнинг барини беҳуда сарфлаб битирасан. Қўлингга ҳеч нарса қолмай, очлик ва ночорлик билан охири ўлимнингга рози бўласан. Мен нариги уйнинг бурчагидаги томнинг шилпига бир аркон боғлаб қўйибман. Жондан тўйган пайтингда ўзингни уша арконга осгин!

Ота шу гапларни айтиб жон берди. Ноқобил ўғил кўп ўтмай, барча пулларини сарфлаб тамомлади. Охири гадоилик қилишдан ор қилиб ўзини осиб ўлдиришга қарор қилди. Отаси тайнлаб кетган уйга кириб, арконнинг учини буйнига солиб, ўзини осди. Том тўсини уни кўтаролмай синиб ерга тушди. Шу он тупроқ аралаш отаси атайлаб ўғли учун берkitиб кетган бойликлар ҳам ерга тушди. Меҳнат билан топиладиган бойлик қадрини тушуниб етган ўғил энди пулни ўйлаб ишлатадиган, хайрли йўлларга сарфлайдиган бўлди. Отаси хотираси учун халқни хушнуд қилишга ва савоат нуридан баҳраманд қилишга киришди.

**Таажуб!**  
**ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ, ЁКИ?**

Маълумки, мамлакатимизда лотин ёзувида босқич-ма-босқич ўтиш жараёни давом этмоқда. Кейинги йилларда лотин илосида ёзилган дарсликлар, қўланмалар чоп этилди. Болалар учун эртак китоблари ҳам пайдо бўлди. Аксарият қорхона ва ташкилотлар пештоқда лотин алифбосидаги ёзувлар, шорлар кўзга ташланмади. Бу-ку яхши, бироқ ташкилот пештоқдаги ёзув имлоси чатоқ бўлса-чи?

Яъни, «Bilyardhona» («Billiardhona»), «Xoffi yoqiligi» («Xavfli yoqiligi»). Ҳатто пойтахтимизнинг А. Икромов тумани давлат солиқ инспекциясининг «Фарход бозори» ташкилидаги ёзув янада хайратланарли: «А. Икромов tumani Davlat soliq inspeksiyasi taung punkti». Агар ушбу сўзларни кирилл алифбосига ўғирлаганда бўлса, қуйидаги жумла пайдо бўлади: «А. Икромов туман давлат солиқ инспекцияси тайнг пункти». Куясизми, куясизми?

Мана қўлимизда «Тошша-харийбуловитранс» қорхонаси томонидан сентябр ва октябр ойлари учун чиқарилган ойлик чипта: Унга «Sentyabr», «Oktabr» деб ёзилган. Ваҳоланки, «Ўзбек тилининг имло луғати» (1998 йилда эса, «Sentyabr», «Oktabr» деб ёзилган таъкидланган).

Назаримда, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси нафақат мактаб, олий ўқув юрталарида, балки айрим қорхоналарда ҳам ўргатилса ёмон бўлмасди.

**Нодиржон ШАМСИДИНОВ, ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультети талабиси.**

**Янги DAAD/OSI ДАСТУРИ тўғрисидаги маълумот**

Германиянинг Академик алмашинувлар хизмати ва Очк жамият институти янги мустақил Кавказорти ва Ўрта Осиё мамлакатлари битирувчи ва бошқа талабалар учун стипендиялар ажратиш дастурига хомийлик қилади.

**Бу дастур Озарбайжон, Грузия, Туркменистон ва Ўзбекистон учун 2001-02 ўқув йилида амалга оширилади.**

**Дастурда қуйидаги гуруҳлар иштирок этиши мумкин:**

- олий ўқув юрталарининг бакалаврлари ва камида 4-йиллик олий таълим олган талабалар.
- магистрлик даражасини олган аспирант ва мустақил тадқиқотчилар.
- фан номзодлари.

**Қўллаб-қувватлашлар:**

- магистрликнинг 2-йиллик дастури асосида ўқитилади.
- илмий иш (диссертация) билан шуғулланувчи магистрларни 3-йиллик дастур асосида ўқитилади.
- ҳар йили 3 ойдан иборат 2 йил давомида бериладиган стажировка.


**Академик дастурлар:** сиёсий фанлар, жамиятшунослик фанлари, халқаро алоқалар, ҳуқуқшунослик, иқтисод, жамиятни бошқариш, Таълим бошқаруви, соғлиқни сақлаш, фалсафа.

Немис тилини яхши билиш талаб қилинади. Қўшимча тарзда тил ўрганиш учун ёрдам берилиши мумкин.

**Маслаҳат ва ахборот:** Германиядаги ўқиш имкониятлари тўғрисидаги кейинги маълумотлар ва Германия университетлари билан қандай алоқалар ўрнатиш мумкинлигини маҳаллий DAAD профессорларидан билиш мумкин.

**МАНЗИЛ:** DAAD: Eva Portius, Republican Center for Education (RZO), Uzbekistanskij Prospekt 80, 700027 Tashkent, Tel./Fax: ++998-71-1447078, e-mail: daadreguz@aol.com

**OSI Representative:** Open Society Institute — Uzbekistan, Contact persons: Kamol Diyarov, ul. Zarbog 31, 700031 Tashkent, Tel: ++99871-1522741, 1523698, e-mail: kamol@osi.uz



**Рассом Х. СОДИҚОВ.**

**«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:** Аббосхон УСМОНОВ

**Тахрир хайъати:**  
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),  
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),  
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир уринбосари — «Халқ сўзи»),  
С. ЗИНИН,  
М. МИРАЛИМОВ,  
С. МУҲИДИНОВ,  
Ш. РИЗАЕВ,  
М. САФАРОВ,  
Р. ФАРОҶИЙ,  
И. ХУДОЕВ,  
И. ШОҒУЛОМОВ,  
О. ҚАШИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»),  
Ҳ. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**

*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;  
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;  
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65  
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;  
*Хатлаар* — 136-29-89, 133-07-48;  
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;  
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик* — 133-78-92;  
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;  
*Котибиат* — 133-10-28;  
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**  
Буюртма Г — 916, 18042 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-III компьютерда терияд ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.  
Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА.  
Мусаххач — Ш. МАШРАББОВЕВ.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қондан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00  
топиширилади — 23.15  
1 2 3 4 5 6